

Шерободдаги 75 та мактабда сўнги қўнғироқ жаранглади



Жорий йилда мазкур илм даргоҳларининг 11-синфини 2 минг 226 нафар ўқувчи тамомлаяпти.

Мазкур тадбирларда туманимиздаги туман ҳокими ва сектор раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Хусусан, туман ҳокими, 1-сектор раҳбари З.Халилов 2-умумтаълим мактабида ўтказилган “Сўнги қўнғироқ” тадбирида иштирок этиб, битирувчи йигит-қизларга Президент табригини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, бошқа сектор раҳбарлари ҳам ўзларига бириктирилган мактабларга бориб, “Сўнги қўнғироқ” тадбирининг юқори савияда ва хавфсиз ўтишини назорат қилишди.